



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 7 июль, № 132 (4285)

Шанба

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат



Оила — муқаддас даргоҳ. Уни Ватан
ичра Ватанга менгзашади. Зеро,
тирикчилигимиз рамзи, умримизнинг
нурли лаҳзалари-ю, бор қувонч-таш-
вишларимиз унда мужассам.

БАХТИЁРЛАР

Оила ҳаётнинг абадийлигини, азалий урф-одатларимизни сақлайдиган ва ривожлантириб борадиган табарруқ гўша. Президентимизнинг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони жамиятимизнинг ажралмас бўлаги — оилаларнинг фаровонлиги йўлида муҳим қадам бўлди. Очиги, ушбу ҳуқуқий ҳужжат барча юртдошларимиз юрагида са-

мимий туйғуларни уйғотди. Хозирги кунда юртимизда жами оилалар сонининг қарийб 40 фоизини ёш оилалар ташкил қилади. Утган йилда мамлакатимизда 209 минг 423 та никоҳ қайд этилган. Табиийки, мазкур рақамлар ҳаётимизда ёш оилалар мавқеи нечоғли юқори эканлигини кўрсатиб турибди. Қабул қилинган мазкур Фармон эса ана шу ёш оилаларни моддий ва маънавий рағбатлантириш, уни

тўла-тўқис ривожлантиришга қаратилган. Жумладан, унда аввало, ёшларни иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор берилган. Айниқса, ушбу Фармонга биноан, ёш оилаларни уй-жой сотиб олиш ёки ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ти-жорат банклари томонидан им-тиёзли шартлар асосида 50 мил-лиард сўм ажратилганлиги унинг улкан инсонпарварлик мазмун-

моҳиятидан далolat беради. Бинобарин, буларнинг барчаси Президентимиз раҳбарлигида баркамол ва навқирон авлодни қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар самарасидир. Ҳа, оилага эътиборнинг маънолари кўп. Чунки қай бир давлатда оила тинч-осойишта экан, унинг эли тотув, фарзандлари шодмон яшайди. Аҳил хонадонда эса мард, солиҳ фарзандлар камол топади. Юрда тараққиёт, осойишталик, барқарорлик ҳукм суради.

Ф. САНАЕВ,
Т. ҚУРБОНБОЕВ
олган сурат.

2007 ЙИЛ — ИЖТИМОЙ ХИМОЯ ЙИЛИ

Қашқадарё вилояти ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг ижросини таъминлашга бағишланган амалий семинар бўлди.

Ғамхўрлик оғушида

Унда вилоят ҳокимлиги томонидан ёш оилаларнинг эҳтиёжлари, долзарб муаммоларини ўрганиш бўйича тузилган ишчи гуруҳи тўплаган маълумотлар таҳлил қилинди. Еш оилаларни уй-жой билан таъминлаш мақсадида шахар ва туманлардаги бўш турган ётоқхоналар, қурилиши тугалланмаган иморатлар қайта рўйхатдан ўтказилмоқда. Ешларнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун микрокредитлар ажратиш, қасанчаликни ривожлантириш, янги иш ўринлари очиш, чорва молларини сотиб олишга қўмаклашиш юзасидан амалий тақлифлар ўртага ташланди. Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси раиси С. Иномова сўзга чиқди.

Б. НОРҚОБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ «Содиқ хизматлари учун» медалини таъсис этиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 17 апрелда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган

- 1-модда. «Содиқ хизматлари учун» медали таъсис этилсин.
- 2-модда. «Содиқ хизматлари учун» медали тўғрисидаги Низом тасдиқлансин (илова қилинади).
- 3-модда. «Содиқ хизматлари учун» медалининг тавсифи тасдиқлансин (илова қилинади).
- 4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Давлат мукофотлари тўғрисида»ги 176-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5-6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7-8, 202-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) 12-моддаси «Жасорат» медали» деган сўзлардан кейин «Содиқ хизматлари учун» медали» деган сўзлар билан тўлдирилсин.
- 5-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қўлдан кирди.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри,
2007 йил 6 июль
№ УРҚ — 98

2007 йил 6 июлдаги 98-сонли
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

«Содиқ хизматлари учун» медали тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Содиқ хизматлари учун» медали билан юксак касбий маҳоратини, ҳарбий ва ватанпарварлик бурчида садоқатини намоён этган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролари мамлакатнинг муҳофаза қобилияти ҳамда миллий ҳавфсизлигини мустақамлаш, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Қўчаларининг жанговар шайлигини ошириш ва Ўзбекистонда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ишидаги катта хизматлари учун мукофотланадиган «Содиқ хизматлари учун» медали билан айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин.
2. «Содиқ хизматлари учун» медали билан Ўзбекистон Республикаси Президентини мукофотлайди. Мукофотлаш тўғрисидаги фармон матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.
3. «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотлаш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фақуллода вазиятлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бошқа бунга ваколатли шахслар томонидан амалга оширилади.
4. «Содиқ хизматлари учун» медалини ҳамда мукофотлаш ҳақидаги тегишли ҳужжатни тантанали ва кенг ошкоралик вазиётида топшириш Ўзбекистон Республикаси Президентини ёки унинг номидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири, Ўзбекистон Республикаси Миллий ҳавфсизлик хизмати раиси, Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, бошқа бунга ваколатли шахслар томонидан амалга оширилади.
5. «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг ўн баравари миқдоринда бир йўла тўланадиган пул мукофоти олади.
6. «Содиқ хизматлари учун» медали билан мукофотланган шахслар қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилмаган имтиёزلардан фойдаланадиган.
7. «Содиқ хизматлари учун» медали билан вафотидан кейин мукофотланган тақдирда, медал, мукофотлаш тўғрисидаги ҳужжат ва бир йўла тўланадиган пул мукофоти мукофотланганнинг оиласига топширилади.

2007 йил 6 июлдаги 98-сонли
Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан
ТАСДИҚЛАНГАН

«Содиқ хизматлари учун» медалининг ТАВСИФИ

«Содиқ хизматлари учун» медали 0,25 микро қалинликда олтин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 34 миллиметрли доира кўринишидадир. Медалнинг олд томонида доирада ёқут рангли эмаль билан қопланган саккиз қиррали юлдуз фонига ҳарбий хизматчининг тасвири (Ватан қаҳрамони-ҳимоячисининг тимсоли) жойлашган. Медалнинг юқори қисмида айлана бўйлаб акс эттирилган лентага «SODIQ XIZMATLARI UCHUN» сўзлари ёзилган. Медалнинг пастки қисмида саккиз қиррали юлдуз ва айлана бўйлаб ишил рангли эмаль билан қопланган дўна барглари тасвирланган. Медалнинг орқа томонида Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвирланган, пастки қисмида медалнинг рақами ёзилган. Медал эни 24 миллиметрли зангори шойи лента сирилган беш қиррали қадагичга ҳалқа ва илмоқча ёрдамида уланади, лентанинг ўртасида эни 7 миллиметрли оқ йўл бўлиб, у эни 1 миллиметрли қизил йўللар билан ҳосилланган. Тасвирлар ва ёзув — буртма. Медалнинг четлари қабарик доира билан ўралган.

АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

Испом Тараққиёт банки (ИТБ) президенти Аҳмад Муҳаммад Али бошчилигидаги Араб Мувофиқлаштириш гуруҳининг Ўзбекистонга ташрифи хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда ва шарҳланмоқда.

Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи иштирокида Тошкентда бўлиб ўтган учрашув ва музокаралар ҳақида хабар берадиган экан, Қувайтнинг «КУНА» ахборот агентлиги етакчи испом жамғармаларининг экспертлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа соҳаларда эришган муваффақиятларини юқори баҳолашганини таъкидлайди. Уларнинг баҳо беришларича, республикадаги мавжуд қўлай сарможий муҳит, шунингдек, чет эл капиталини ҳўмоқ қилиш мақсадида қабул қилинган қонуний ҳужжатлар Ўзбекистон ва араб молия институтлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришда муваффақият асос яратди. Шунингдек, «КУНА» тарқатган хабарда Араб Мувофиқлаштириш гуруҳининг «давра сўхати» иштирокчилари Ўзбекистон билан кооперацияни кенгайтиришдан манфаатдор-

(Давоми 2-бетда).

Истиқлол йилларида юртимизда миллий маданиятимизнинг бошқа соҳалари қатори қўшиқчилик санъатимизнинг замонавий йўналиши бўлиши эстрада санъати ривожига ҳам катта эътибор берилмоқда. Кейинги йилларда бевосита шу соҳа ривожига қаратилган Вазирлар Маҳкамасининг иккита махсус қарори қабул қилинган, ёш ижрочиларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг истеъдод ва салоҳиятини рўйбга чиқариш мақсадида Президентимиз ташаббуси билан «Ниҳол» мукофоти ташкил этилган, бу йўналишда қўллаб-қўрғи-таъловлар, санъат фестиваллари мунтазам ўтказиб келинаётгани шулар жумласидандир.

Эстрада санъати: МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

Шу йил 13 июнь кунини давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган шу соҳага оид янги қарорда мамлакатимизда замонавий миллий эстрада санъатини янада ривожлантириш, бу борада изланиш олиб бораётган истеъдод эгаларининг профессионал малакасини, ижро маданиятини ошириш, ёш санъаткорларнинг ўз қобилият ва маҳоратларини тўла намоён этиши учун қўлай шарт-шароит ва зарур имкониятлар яратиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, мазмунан тегар, бадиий юксак асарларни кенг тарғиб қилиш, миллий қадриятларимизга тўри келмайдиган, ёшларнинг маънавий савиясига салбий таъсир кўрсатиши мумкин

бўлган бўш ва заиф қўшиқлар тарқалишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани, айниқса диққатга сазовордир. Қарорга биноан, Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгашининг янги таркиби тасдиқланиб, Вазирлар Маҳкамасининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилгани бу соҳадаги ишларни қайта кўриб чиқиб, янги вазифаларни белгилаб олишни талаб этади. Мазкур кенгашнинг шу йил 3 июлда бўлиб ўтган бешинчи йиғилишида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Унда кенгаш аъзолари — турли вазирлик, ташкилот ва идораларнинг раҳбарлари, танқиди санъаткорлар, санъатшунос олим ва

(Давоми 2-бетда).

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Республикамиз қурилиш санъатининг йирик корхоналаридан бири — Навоий шаҳридаги «Қизилқумцемент» очик акциядорлик жамиятида шу йилнинг июнь ойига келиб, маҳсулот экспорти ҳажми

Корхона модернизация қилиниб, капитал таъмирлангани, ички ва ташқи бозорлар талаблари чўқур ўрганилгани ҳолда янги технология линиялар ишга туширилгани шундай ижобий натижага эришиш имконини берди.



11 баравар ошди.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб

Солиқ ва иқтисодий юксалиш

• ТОШКЕНТ. Утган йили нефть ва газ соҳасида талай ишлар амалга оширилди. "Кўкдума-лоқ" қўшма корхонасида газни қайта ишлаш қувватининг биринчи навбати фойдаланишга топширилди. Фаргона нефтини қайта ишлаш заводида газни қисмларга ажратадиган қурилма, Гаэли-Сариной газ қувири қурилиши якунига етказилди. Поитхатимизда Ўзбекистон нефть ва газ со-

ҳасини солиққа тортишни янада такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган бизнес-форумда шу ҳақда гап борди. Тадбирда, шунингдек, тармоқда амалга оширилаётган ишлар кўлами, соҳанинг солиқ билан боғлиқ ҳаётлари таҳлил этилди. Бу борадаги меъёрий ҳужжатларни бугунги кун талабига мос тарзда такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Бўлғуси кимёгарлар танланмоқда

• ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Кўнгиротнинг Окпўлоқ мавзёида улкан Уст-юрт газкимиё мажмуасининг қурилиши бошланмоқда. Мамлакат кимё соҳасида яна бир янги саҳифа очадиган бу гигант корхона учун кимёгар кадрлар танланаётди.

Хусусан, қорақалпоқ йигит-қизлари орасидан Юқори бирикмали молекуллар технологиялар бўйича 15 нафар, Нефть ва газни қайта ишлаш бўйича 15 нафар, Ичкилик энергетикаси бўйича 8 нафар, жами 58 нафари танланиб, Қашқадарё заминидоги "Шўртангаз" мажмуасида 2 йил давомида соҳа сирларини ўрганишади.

993,2 миллион сўмлик хомийлик ёрдами ажратди. Биргина "Қизилқуммент" очиқ акциядорлик жамияти юз миллион сўм хомийлик ёрдами кўрсатди.

Меҳмонимиз бўлинг

• НАВОЙЙ. Вилоятдаги 74 та кўрғонда ичимлик суви таъминоти яхшиланди. Бу борада вилоят ҳокимлиги махсус дастур ишлаб чиқиб, ичимлик суви таъминоти

ушун 993,2 миллион сўмлик хомийлик ёрдами ажратди. Биргина "Қизилқуммент" очиқ акциядорлик жамияти юз миллион сўм хомийлик ёрдами кўрсатди.

Йўл яқин, чипта арзон

• ҚАШҚАДАРЁ. Қарши шаҳри аҳолисига Япониянинг Isuzu Motors компанияси та-



ғаси туширилган автобуслар хизмат кўрсата бошлади. Самарқандда ишлаб чиқарилаётган бу автоуловлар ҳозирча Бешкент-Ер-кўрғон йўналишида қатнамоқда. Уларда чипта нархи одатдаги йўналишли таксиларниқидан икки баравар арзон.

Чеварлар мамнун

• ХОРАЗМ. Урганч шаҳрида жорий йилнинг 5 ойида қасаначилик йўналиши бўйича 88 та янги иш ўринлари очилди. Айниқса, «Хоразм Феруз» акциядорлик жамиятида қасаначилик билан шуғулланаётган чевар аёлларга шароит яратиш, ҳомашё ва зарур воситаларни вақтида етказиб бериш, тайёр бўлган маҳсулотларни йиғиб олиш бўйича намунали ишлар олиб борилмоқда.

Чеварлар мамнун

«Тежамкор»нинг миллионлари

• АНДИЖОН. Асакадаги «ЎзДЭУавто» акциядорлик жамиятида бугунги кунда салкам 190 та сифат тўғараги фаолият кўрсатмоқда. Улар шу ерда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчилар, мутахассисларнинг ўз иқтидорини, маҳоратини, билим ва тажрибасини синовдан ўтказиш, шунингдек, янгиликлар яратиш, иқтисодий

тежамкорликка эришишда ўзига хос мактаб вази фасини ўтаётди. Биргина бўйаш чехидаги «Тежамкор» сифат тўғараги аъзолари тақдим этган олтинта тақлиф ишлаб чиқаришда қўлланиши натижасида 11 миллион 160 миң сўм наф кўрилади ва жаммоа тўғарақлараро беллашувда учинчи марта голибликни қўлга киритди.

Зайтунзорлар кўпаймоқда

• СУРХОНДАРЁ. Бу ерда янги-янги зайтунзорлар бунёд этилмоқда. Хусусан, бу йил Жаркўрғон туманидаги «Жахон» фермер хўжалигида 4 гектар, «Ақром Уринов» фермер хўжалигида 2 гектар, «Сурхонзикоқвақсанот» хисосдорлик жамиятида эса 5 гектар зайтун боғи яратилди. Зайтун кўчатларини жаркўрғонлик тадбиркор, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Чори Чўпўлатов раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги жамоаси етиштириб бермоқда.

Зайтунзорлар кўпаймоқда

«Халқ сўзи» ва ҲА муҳбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Эстрада санъати: МУҲИМ ВА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

пайдо бўлди. Улар она юрта муҳаббат, истиқлолга садоқат, тинчлик ва дўстлик, севги ва вафо ҳақидаги қўшиқлари билан марказда ва жойларда ўтказилаётган тантана ва томошаларда фаол иштирок этиб, эл-юртимизга сийқилиб келиб қолмоқда. Бу санъаткорларнинг муносиб бақиллари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда эстрада жанрида ижод қилаётган санъаткорларни ўз сафида бирлаштирган «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси фаолият олиб бормоқда. Албатта, буларнинг барчаси утган давр ичида бу соҳада катта ишлар қилинганидан далолат беради. Шу билан бирга, йиғилишда ҳозирги пайтда эстрада санъатида бир қатор камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар мавжудлиги, айниқса, кейинги йилларда ай-

рим ижрочилар орасида профессионал маҳоратнинг етишмаслиги кўзга ташланаётгани таъкидланди. Шунинг оқибатида мазмунан саёз, бадиий жиҳатдан бўш, миллийликдан йироқ қўшиқлар ҳам пайдо бўлиб, томошаларда ҳақиқий эътироз ва ташвиш уйғотаётгани қайд этилди.

Сўзга чиққанлар қарорда ана шу масалага ўз вақтида эътибор қаратилгани ҳақида тўхталиб, бундай ҳолатларга йўл қўймайлик, эстрада санъатида йиллар давомида шаклланган анъаналарни асраб-авайлаш, уларни замон талаблари асосида ривожлантириш, миллий қадриятларимизга мос муносиқ асарлар яратиш зарурлиги ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Мажлис иштирокчилари томонидан доимо халқимизнинг маънавий юксалиши йўлида хизмат қилиб келган қўшиқчилик санъати ёки қанчон бойлик орттириш ёки эрмак воситасига айланиб қолмас-

лиги лозимлиги таъкидланди. Йиғилишда Ўзбекистон халқ артистлари Гуломжон Ёқубов, Насиб Абдуллаева, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Дилором Муродова, Ўзбекистон хизмат кўрсатган артисти Махмуд Номозов, Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси раиси Алишер Хўжаев, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси бош директори Бақодир Абдурахимов ва бошқалар қарорнинг аҳамияти, бу борада амалга оширилуши лозим бўлган ишлар, долзарб вазифалар юзасидан зарур тақлиф ва мулоҳазаларни билдирди.

Миллий эстрада санъатини ривожлантириш ва мувофиқлаштириш кенгаши ўз ваколати доирасида бир қатор қарорлар қабул қилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов, Бош вазир ўринбосари Р.Қосимов иштирок этди.

Ҳ.А.



БЎЛАЖАК КОЛЛЕЖ БУНЁДКОРЛАРИ

Зангиота туманидаги «Эркин» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан 16 миңдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. 8 та маҳалладан иборат ушбу масканда 3 та болалар боғчаси, 4 та мактаб фаолият кўрсатади. Айни пайтда ҳудудга қарашли «Қаҳрамон» қишлоғида 3 қаватдан иборат муҳташам озиқ-овқат технологияси касб-ҳунар коллежи биноси қўриқилмоқда.

— Икки навбатдан иборат ишчи гуруҳимиз шу кунларда пардозлаш юмушларини бажаришмоқда, — дейди қурилиш иш юритувчиси Эсон Жабборов. — 540 уринга

мўлжалланган коллеж биносини бунёд қилишда 160 нафар ишчи қатнашди. «Улкан қурилиш» масъулияти келган жамиятнинг бош пудратчилигида бошланган ишларимиз охирига етай деб қолди.

Истиқлолимизнинг 16 йиллик байрами арафасида ишга туширилиши мўлжалланган коллежда ўндан зиёд йўналишларда сабоқ олиш имконияти қўлга киритилди. Шу билан бирга спорт зали, волейбол, баскетбол, футбол ўйинлари ўтказишга мўлжалланган стадион ҳам ёшлар учун катта тўхта бўлиши аниқ.

дагидан қўлшмайидиган мана шундай кўркам ўқув масканининг бунёд этилаётгани нафақат фарзандларимизга, балки биздек кексаларга ҳам фахру ифтихор бағиш этди, — дейди ўзини Файрат Ашрапов деб таништирган отахон. — Бундай иморатлар эртанги кунимиз бўлувчидан ҳам фаровон бўлишига хизмат қилади. Бу ерда ўқийдиган болаларимиз гамхўрликка жавобдан Вантанга муносиб фарзандлар бўлиб етишишлари аниқ.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

АРАБ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ГУРУҲИ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЎЗ ИШТИРОКИНИ КЕНГАЙТИРАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг аъзолари олдинда турган йилларда Ўзбекистон билан яқиндан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистоннинг гулла-яшнашига қўмақлашибна қолмасдан, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг барқарор ва ички ривожланишида муҳим аҳамият касби этилишига қўшилди деб таъкидланди «Би-Би-Си» мониторинги.

Яна бир араб наشري — Саудия Арабистони подшоҳлигининг ишбилармон доиралари газетаси «Аль-Иқтисодия» мазкур ташир давомида Араб мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий жабҳасидаги муваффақиятлари, шунингдек, ижтимоий-сиёсий соҳалардаги ўзгаришларнинг бориши билан танишганларини ўз ўқувчилари эътиборига ҳавола қилган.

«Аль-Иқтисодия»нинг таъкидлашича, Тошкентда бўлиб ўтган учрашувлар якунлари бўйича Ўзбекистон ҳукумати

билан ислом молия институтлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида Меморандум, шунингдек, Ўзбекистон банклари билан 3 та битим имзоланди. Унга мувофиқ, Ислом Тараққиёт банки саноят, қишлоқ хўжалигидаги хусусий тадбиркорлик соҳаларида сармоявий лойиҳаларини молиялаштириш учун умумий ҳажми 15 миллион АҚШ доллари миқдоридоги кредит линиясини очгани қаламга олинган.

Ўз навбатида, Россиянинг «Интерфакс» агентлиги Ўзбекистон 2010 йилга қадар 26 та сармоявий лойиҳани рўёбга чиқариш учун араб молия институтларининг умумий ҳажми 1,6 миллиард АҚШ долларидан ошадиган сармояларини жалб этишни режалаштиратгани, Араб мувофиқлаштириш гуруҳининг «давра суҳбати» йиғилишида ушбу лойиҳалар тақдими бўлиб ўтганини хабар беради.

Шу жумладан, кимё соҳасини модернизациялаш лойиҳаларини амалга ошириш учун 384,1 миллион АҚШ доллари,

қишлоқ хўжалигида ирригация тизимларини реконструкциялаш ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 385,5 миллион, электр энергетикаси объектиларни реконструкцияси учун 188 миллион, металлургия корхоналарини қайта жиҳозлашга 190,4 миллион, қурилиш материалларини ишлаб чиқарадиган корхоналарни модернизациялаш ва техникавий қайта жиҳозлашга 150 миллион, қурилиш ва академик лицейлар қурилиши ва реконструкцияси учун 131 миллион АҚШ доллари миқдоридо ва бошқа соҳаларга сармоялар жалб этиш режалаштирилмоқда.

«Интерфакс» агентлиги Тошкентдаги «давра суҳбати» йиғилишида Ўзбекистон ҳукумати тақдим этган лойиҳаларни молиялаштириш учун молия институтларининг имконияти ва ҳаракатларини мувофиқлаштириш мақсадига Ислом Тараққиёт банкнинг ташаббуси билан ўтказилганини алоҳида қайд этди.

«Жаҳон» АА.

ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДАГИ УЧРАШУВ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

реларга эришилаётганига гувоҳ бўлдик, — дейди Малайзия делегацияси раҳбари. — Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик бошқа жабҳалар қатори мазкур соҳаларда ҳам кенгайиб бораётганини алоҳида таъкидламоқчиман.

Қадимий Хивага сафаримиз давомида Хоразм Маъруф академиясининг 1000 йиллиги муносабати билан ушбу шаҳарда ташкил этилган илм-фан тарихи музейи қўриқчалари билан яқиндан танишдик. Музей бизда катта таассурот қолдирди. Хоразм Маъруф академияси ҳузурида ҳамкорликда янги марказ очилиши, унда қўлаб мамлакатлардан, жумладан, Малайзиядан ҳам келган олим ва мутахассисларнинг ўзаро тажриба алмашишини ташкил этиш ҳақида келиши бўлиб олди. Айни пайтда 2008 йилда мазкур

академиянинг илмий меросини ўрганиш бўйича Малайзияда кўча кўргазма ташкил этиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади.

ISESCO томонидан Тошкентнинг 2007 йилда ислом маданияти пойтахти, деб эълон қилиниши бизни жуда қувонтирганини ҳам алоҳида қайд этмоқчиман. Бу Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан миллий-маънавий меросни тиклаш, асраб-авайлаш ва келгуси авлодларга етказиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли хайрли ишларга берилган муносиб ҳадидир.

Шу кун Малайзия делегацияси аъзолари Темурийлар тарихи давлат музейига таширф бўлиб, Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳаёти ҳамда фаолияти ҳақида хўша қўлувчи ранг-баранг экспонатларни кўздан кечирди.

Назира МАНЗУРОВА, ҲА муҳбири.

Таҳририятга келган хатдан:

«Фарзандимнинг тана ҳарорати кўтарилиб, туман марказий шифохонасига муружаат қилганим. Бирок шифоқорларнинг эътиборсизлиги боис боланинг касали тезда аниқланмади. Уни гоҳ у, гоҳ бу шифохонасига юбориб, сарсон қилишди. Ахир оқ халати дўхтурларнинг одамларнинг соғлигини муҳофаза қилишда масъуллар-ку...»

Ф.УРОЛОВА, Наманган вилояти, Поп тумани.

«Халқ сўзи» назоратида АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ

Таҳририятга келган расмий жавобдан:

«Вилоят прокуратураси томонидан Поп шаҳар Пахтакор кўчасида яшовчи фуқаро Ф.Уроловани арзаси ўрганилди. 2006 йилнинг декабри ойида у бир ёшли фарзандининг тана ҳарорати кўтарилиши, йўтал ва энтиқишидан шикоят қилиб, туман марказий шифохонасига муружаат қилган. Бемор кўриқдан ўтказилиб, муолажалар белгиланган. Шу кун боланинг ҳолати ёйрилиб, жонлантириш бўлимига ўтказилган. Бирок у юқулни икка салалигига гуноҳ қилиниб, юқумли касалликлар шифохонасига юборилган. У ерда врач Ф.Фазилитдинов беморни кўриб, юқумли касалликни инкор қилган ва яна туман марказий шифохонасига қайтарган.

Текшириш якуни туман марказий шифохонаси ходимларининг йиғилишида муҳокама қилиниб, бош хажимнинг буйруғи билан шовшининг тиббий ёрдам бўлими врач А.Фазилитдинов, болалар бўлими мудири С.Турсунова ва юқумли касалликлар шифохонаси инфекционисти И.Мирзаниёзовларга беморнинг аҳолига етарли даражада тиббий ёрдам қўрсатмаганликлари учун хайфсан эълон қилинди. Шунингдек, шовшининг тиббий ёрдам реанимация бўлими врачлари Б.Жамитов, А.Қўлимов, Н.Ҳайитовлар ўртача ойллик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорида жарима жазосига тортилганлар.

Наманган вилояти прокуратураси биринчи ўринбосари, адила катта маслаҳатчиси К.МАМАТОВ».

ЭТИБОР БЕРГАНМИСИЗ, ДАВЛАТ МИҚСИДА ЎТАДИГАН ЙИГИНЛАРДА, ЮРТБОШИМИЗ ЁШЛАР ҲАҚИДА, УЛАРНИНГ БУГУНИ, НУРЛИ КЕЛАЖАГИ ҲАҚИДА ҚАЙҲУР ГАПЛАШДИ.

Чуқки ўсиб келаётган ёш авлод, ҳақиқати таъкидланганидек, халқимизнинг энг катта ишончи, суянч тоғидир. Миллатимиз, мамлакатимизнинг обрў-эътибори, шон-шарофтини жаҳонга ёйдиган ҳам ана шу ёшлар. Шу боис соғлом авлодини, баркамол ва фойдали ўғил-қизларни тарбиялаб, вояга етказиш, етук мутахассис кадрлар тайёрлаш ҳаётини эзгу ниятлардан бирдир. Мамлакатимиз равиқли, халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш учун эса юқори малакали мутахассис шифоқорлар зарур. Бундай масъулиятни вазиға юклатилган Тошкент тиббиёт академиясида бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг.

— Аввало, шунга айтиш кераки, академиянинг ташкил этилиши истиқлол йилларида бебаҳо неъмат — халқ соғлигини муҳофаза қилишга қаратилган алоҳида эътиборнинг ёрқин нишонасидир. Шу сабаб бизда дастлаб таълим жараёни учун зарур меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Тиббиёт кадрлари тайёрлашни такомиллаштириш, замонавий ўқув моддий-техника базасини яратиш, илгор таълим технологияларини жорий этиш билан ўқув жараёнини янги мазмун ила бойитиш, бўлғуси мутахассисларни ўқитишни давлолаш амалиёти билан боғлаб олиб борилишини таъминлаш сингари асосий вазифаларимиз белгиланди, — дейди Тошкент тиббиёт академиясининг ўқув ишлари проректори, тиббиёт фанлари доктори Октябр ТИШАЕВ биз билан суҳбатда. — Аслида ҳам таълим сифатини ошириш механизмининг ишлаб чиқиш, бу борада бажарилаётган ишларнинг мунтазам мониторингини олиб бориш, ибратли тажрибаларни умумлаштириш ҳамда уларни амалда татбиқ этишга эришиш зарурияти Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг асосларидан бирдир.

— Президентимизнинг «Тошкент тиббиёт академиясининг ташкил қилиниш тўғрисида»ги Фармонида таъкидланган илгор таълим технологияларининг жорий этиш масаласи билим масканларида қандай амалга оширилади? — Таълим беришдаги асосий шартлардан бири ўқитиш жараёнини фанлар бўйича ташкил қилиш ҳамда бошқа фан-

лар билан узвий алоқанда таълим беришга боғлиқ. Шу боис академияда тажрибали профессорлардан иборат Координация кенгаши ташкил этилди. Ўқитиш жараёнининг моҳирлиги ўзгаришига эришилди. Ўқитувчи гапирди, талаба эшигидега қабиллигидега эскирган, бир томонлама ўқитиш усулидан воз кечиб, янги, фаол усулларга ўтишти. Ўқув қўлланмалар, услубий тавсияномалар нашр этилди. Ўқитишнинг клиник ва диагностика масалалар, амалий ўйинлар, ўқитувчи назорат қилувчи каби усуллари кенг татбиқ қилина бошлади. Иқтидорли талабаларни гуруҳ қилиб ўқитишдан воз кечиб, уларни тайёрлашнинг янги модели ишлаб чиқилди.

Бизнинг шарҳ: Академия ташкил топгандан буён 23 та докторлик, 77 та номзодлик иши ёқланди. 2006-2007 йилда Илмий кенгашда 10 та докторлик, 110 та номзодлик диссертацияси тасдиқланди. Бугунги кунда профессор-ўқитувчилар сон 1173 нафарни ташкил этади.

— Таълим жараёнида талабаларга буларнинг таъсири сезилдими? — Нафақат талабаларнинг давомати яхшиланганига, ўзлаштириш қўрсаткичларининг кўтарилишига, балки педагоглarning ўз устади чўқур иш-

лаши, аудитория олдидаги масъулиятининг ошишига ҳам сабаб бўлди.

Мазлумки, талабаларнинг чўқур билим эгаллашларида кутубхоналарнинг аҳамияти катта. Шу боис академиядаги кутубхона ва ўқув залларида локал тармоқ ва Интернетга уланган компьютерлар жамланмиси ўрнатилиб, тиббий

— Академияда аксарият илмий-тадқиқот ишлари грант лойиҳаларини ютиш ҳисобига амалга оширилмоқда. Бу эса кадрларни моддий рағбатлантириш қолмасдан, балки рақобатбардор илмий ишлар яратиш учун ҳам катта имкониятларни очиб беради. Чуқки барча кафедраларнинг электрон сайтлари яратилди. Етақчи хо-

БУГУНИ ТАЛАБА — ЭРТАНГИ МУТАХАССИС

риж давлатлари Илмий марказлари электрон кутубхоналаридан академиядан туриб фойдаланиш имконияти туғилди. Бугунги кунда биргина экология ва грант лойиҳаларини мувофиқлаштирувчи кенгашда еттига устувор йўналишлар бўйича 40 дан ортиқ илмий-тадқиқот ишларига ўқитувчилар раҳбарлик қилишмоқда.

Бизнинг шарҳ: 2006 йил грант лойиҳаларига молиялаштириш академия бюджетидан 187.765.000 сўмга тўғилди. Бу 126 ҳақимининг молиявий аҳолини кўтариш имконини яратди. Ҳозир академияда 19 амалий, олти фундаментал ва уч халқро грант лойиҳалари бўйича ишлар олиб борилмоқда.

— Оқтябрь Руҳиллаевич, ўқиб жараёнининг сифати кафедраларнинг қай даражада моддий-техник воситалар ва ускуналар билан таъминланганига ҳам боғлиқ, шундай эмасми? — Албатта. Ўқув жараёнида бу муҳим масала ҳисобланади. Академияда кафедраларнинг моддий-техник базасини ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилди. Унга кўра мазкур заллари замонавий техника билан жиҳозланди. Кафедралар Интернет тар-

моғига уланган компьютерлар билан таъминланди. Катор кафедралар замонавий фантом, муляжлар, микроскоп ва видеоэкран воситалари билан жиҳозланди.

— Академияда илмий-тадқиқот ишларининг олиб борилиши ҳақида ҳам билгимиз келади.

масаласи қандай ҳал этиляпти? — Республикада олиёмулмотли ҳамширалар тайёрлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Хусусан, Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурига асосан тиббиёт олиёмулмотли ҳамшира «Олий мулмотли ҳамшира-

мутахассислар тақсимоти академияда қандай амалга оширилади? — 2006 йилдан бошлаб академиянинг грант асосида битирувчилар ҳақида тўлиқ маълумотлар йиғилиб, улар Соғлиқни сақлаш вазирлиги, вилоятлар тизимини ривожлантириш Республикаси соғлиқни сақлаш бош бошқармасига тақдим этилди. Мазкур маълумотлар асосида ташкилотлар ўзларига тегишли жойлардаги мазкур бўш ўринларга академия битирувчиларига иш тақлиф қилинади. Бу йил май ойида эса академияда тақсимот комиссияси тузилди, грант асосида битирувчиларни доимий яшаш жойи бўлиши бундан йўналишга таъмин қилиди. Якунини давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган талабаларга ишга жойлаштириш учун йўналишлар бериш арафасидан.

— Академия олдида ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар нималардан иборат деб ўйлайсиз? — Ташкил топганига эндигина икки йил бўлган академия олдида ҳали бақарилиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, таълим жараёнида, клиник амалиётда телемедицина коммуниқацияларини ривожлантириш муҳим бўлиб турибди. Касбий кўникмалар сифатини баҳолаш имконини берувчи видеоназорат тизимини ривожлантиришга эътибор қаратиш лозим. Шунингдек, дистанцион таълим тизимини ишлаб чиқиш, таълим тизимининг ахборот базасини вужудга келтириш, академиянинг илмий салоҳиятини янада ошириш каби муаммолар ўз ечимини кўтапти.

Суҳбатдош: Умид ФАЙЗИЕВА.

ЖАҲОН 24 соат ичида
Шифокорлар сўроқ қилинмоқда



Австралия полицияси беш нафар хорижлик шифокорни Лондон ва Глазгодаги терактлар юзасидан сўроқ қилди. Австралия Федерал полицияси ходими Майк Килтининг сўзларига кўра, шифокорлардан ҳеч бири авваллари бирор жиноят юзасидан қўлга олинмаган.

Хозирда терактни амалга оширишда гумон қилинган саккиз нафар шахс ҳибсда сақланмоқда.

Бағдодда амалга оширилган портлаш ва отишмалар оқибатида сўнгги бир ой ичида юзлаб киши ҳалок бўлди.

Азага айланган никоҳ

Кеча пойтахтдаги хонадонлардан бирида никоҳ тўйи ўтказилган эди. Кучли портлаш маросимда катнашган 17 нафар меҳмонни ҳаётдан олиб кетди. Яна 25 киши оғир тан жароҳати олди. Улар орасида келин-куёв ҳам бор.



«Ассошиэйтед пресс» агентлиги хабарига кўра, портлаш келин ва куёв эсдалик учун суратга тушаётганда рўй берган.

Асаби бузилган кўшни

АҚШнинг мустақиллик кунинда мамлакатда катта мушакбозлик бўлди. Бундай шовқин-суронга 35 ёшли Терренс Хоунинг асаби бардош беролмади. Натижада, у кўшнларидан уч нафарини отиб ташлаб, икки нафарига жароҳат етказди.

Учинчи ўқишда қабул қилинди



қонунни учинчи ўқишда қабул қилди. «РИА Новости» маълумотига кўра, қонун жорий йилнинг 1 сентябрдан қўлга киради. Қонунда ўрта таълим тизимидаги учта босқични мажбурий ўқитиш кўзда тутилган. Янги ўқув йилидан бошлаб ҳар бир ўқувчи 11 синфгача таҳсил олади. Шу кунгача Россияда ўрта таълим 9-синфгача эди.

Ер тагидаги зиндон

Қобул шахрининг шимолий қисмидаги харбий базадан ер тагида жойлашган қамқоқона топилди. Қобул полицияси генерали Али Шох Пактивалининг сўзларига кўра, бу қамқоқона собиқ иттифоққа тегишли. Айти пайтгача қамқоқонанинг 15 та камераси топилди. Улар сони яна ошиши мумкин, дея хабар таркатди «Newsru.com».



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



«ТАЪТИЛДА ТОПГАНИМ – ҚАНДУ НОВВОТ ТОТГАНИМ»

«Камолот» ЕИХ марказий кенгаши ҳамда республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ҳокимликлар ҳамкорлигида талаба ёшларни мавжуд бўш иш ўринларига жалб этиш лойиҳаси ишлаб чиқилди. — дейди хабарат матбуот хизмати бошлиғи О. Эшматов. — Шунга мувофиқ, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий муҳофаза қилиш вазирлиги, Республика Касаба уюшмалари федерацияси ҳамда Фермерлар уюшмасининг жойлардаги бўлимлари мавжуд бўш иш жойлари ва меҳнат объектиларини аниқлаб, ҳаракатимизнинг уша ҳудуддаги бўлимларига

маълумот тақдим этдилар. Тупланган маълумотга кўра, мамлакатимиздаги қурилиш ва таъмирлаш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, транспорт ва бошқа соҳаларда 9 мингга яқин иш ўрни мавжуд. Қишлоқ хўжалигида, оромгоҳларда, техника, қурилиш ва ободонлаштириш ишларида мавсумий ҳамда ўз соҳасидан келиб чиқиб 12 минг нафардан ортиқ йигит-қизларимиз иш билан таъминланишини кўзда тутиб, уларнинг ҳар бирига 46 та олий ўқув юрти жалб этилган бўлиб, айти кезларда иш қизғин бораёпти.

«Ўзметкомбинат» АИЧБ

Тўлиқ технологик циклли рангли металллар ишлаб чиқариш корхонасида қуйидаги маҳсулотлар тайёрланади:



Жез (латун) лента, тунука ва металл тилимлар

Техник тавсифи:
- қалинлиги — 0,5-4 мм., қалинлиги бўйича аниқлиги — 1%, эни — 25-430 мм., узунлиги — ўлчамсиз ўрамларда (ўрамнинг ички диаметри — 400 мм., ўрамнинг ташқи диаметри — 1200 мм.), ГОСТ 1173-93, код ТН ВЭД 740911000;
- қалинлиги — 5 мм.дан 10 мм.гача, эни — 450 мм. (зиҳи кесилмаган), узунлиги ўлчамли — 1500 мм.гача, ГОСТ 495-95, код ТН ВЭД 740911000.

0,5 мм. қалинликдаги мис тунукадан тайёрланган металлочерепица

Ишлаб чиқариш корхонаси Европанинг (Италия, Австрия, Швейцария, Германия) етакчи фирмалари замонавий ускуналари билан жиҳозланган. Мазкур ускуналарда буюртмачининг барча истаklarини тўлиқ қондириш, шу жумладан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот асортиментини кенгайтириш бўйича техник имконият мавжуд.

Маҳсулотлар жаҳон стандартлари талабига жавоб беради. Улар миллий ва халқаро сертификатциялаш тизими бўйича сертификатланган.

Юқори сифатли маҳсулотимизни тезда етказиб беришга қафолат берамиз!

Манзилимиз:
Ўзбекистон Республикаси 110502, Тошкент вилояти, Бекобод шаҳри.
Телефонлар: (+998 370) 912-24-23, (+998 370) 912-38-78, (+998 370) 912-37-84, (+998 370) 913-15-22. E-mail: UMK-COCM@yandex.ru

ҚўқОН ШАҲАР ИП ЙИГИРУВ ПАЙПОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ «УЛУҒБЕК» ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти хўжалик судининг 2007 йил 27 июндаги 15-0501/6502-сонли ҳал қилув қарорига асосан банкрот деб эътироф этилди.
Шу боис «Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 217-моддасига мувофиқ Қўқон шаҳар ип йигирув пайпоқ ишлаб чиқариш «Улуғбек» очик акциядорлик жамиятига нисбатан даъво ва аризалар 2 (икки) ой муддат ичида қабул қилинишини маълум қилади.
Манзил: Қўқон шаҳар, Шохрӯҳобод кўчаси, 15-уй.
Ўзбекистон Республикаси Фарғона вилояти хўжалик судининг 2007 йил 27 июндаги 15-0501/6502-сонли қарорига асосан тугатиш бошқарувчиси этиб 1-тоифали суд бошқарувчиси Ражаббоев Хабибулло Қувватович тайинланди.
Йиғилиш 2007 йил 11 июль кунин соат 10.00 да Қўқон шаҳри, Шохрӯҳобод кўчаси, 15-уйда жойлашган ип йигирув пайпоқ ишлаб чиқариш «Улуғбек» очик акциядорлик жамияти маъмурий биносида ўтказилади.

Йиғилиш кун тартиби:
Асосий масалалар:
1. Қарздорни банкрот деб топиш ва тугатишга доир иш юритишни бошлаш тўғрисида.
2. Кредиторлар қўмитасини қўриб чиқиш ва қайта сайлаш.
3. Тугатиш бошқарувчисининг ишини олиб боришга доир харажатлар лойиҳаси ва шартлар жадвалини қўриб чиқиш.
4. Бошқа масалалар.
Йиғилишга ваколатлик (ишонч қогози) билан ва қарздорлик тўғрисидаги солиштирув далолатномаси (акт-сверка) билан келишлари сўралади.
Йиғилишга барча Қўқон шаҳар ип йигирув пайпоқ ишлаб чиқариш «Улуғбек» очик акциядорлик жамиятининг акциядорлари ҳам таклиф этилади.

лий жиҳатдан устоз-шоғирдик муносабатларига асосланган ушбу усул ишчиларга ҳам бирдай маъқул тушапти. Яна бир гуруҳ ёшларнинг меҳнат жамоаси эса тозалаш, тартибга келтириш ишларини бажаришди.
— Темир йул қурилишида ишлаётганимизга ҳам 20 кундан зиёдрок вақт бўлди, — дейди Тошкент темир йул муҳандислари институтининг яна бир талабаси Абдуқодир Сатторов.
— Бу ерда бизга барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Хар кун ишдан кейин хордик чиқаришимиз учун маданий тадбирлар ташкиллаштирилипти.

Бир сўз билан айтганда, янги бунёдкорлик гоғлари билан йўрилган ушбу лойиҳа ёшларимизда она-Ватанинг кенг далалари, одамлари ва табиғатига меҳр-муҳаббат уйғотди. Меҳнатга ўргатади, дўстлик ва қадрдонликка чорлайди.
Қобил ХИДИРОВ.

Бунёдкор ёшлар
тирок этишга аҳд қилдим, — дейди айти кунларда «Тошгузор-Бойсун-Қумқўрган» темир йул қурилишида меҳнат қилаётган Тошкент темир йул муҳандислари институти талабаси Жўрабек Собиров. — «Аср қурилиши» дега эътироф этилаётган «Тошгузор-Бойсун-Қумқўрган» йўналишидаги темир йулнинг барпо этилаётгани катта аҳамиятга эга. Мана шундай улкан бунёдкорлик юмушига, озгина бўлса-да, ўз хиссамни қўшсам, ҳам халқимиз, ҳам оилам олдида юзим ёруғ бўлади. Колаверса, ўйдаги ларга моддий тарафдан фойда тегади.
Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ушбу темир йул қурилишида иштирок этаётган 200 нафардан ортиқ йигит-қизларимиз аввалга қурилиш жамоаси ходимларига ёрдамчи бўлиб, сўнгга ўзлари мустақил иш олиб борадилар. Ама

Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ

Очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига қуйидагилар қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2006 йил 21 декабрдаги 10-0611/8770-сонли ажрими асосан банкрот деб эълон қилинган ва «Roll Press» МЧЖ кредиторларининг 2007 йил 26 июндаги 3-сонли йиғилиши қарорига кўра, «Roll Press» МЧЖнинг тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Сағбон 10-тор кўчаси, 96-«А» уйда жойлашган «Roll Press» МЧЖнинг мулкий мажмуаси.
Бошланғич баҳоси — 457 843 000 сўм.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 7, 14, 21, 28 август ва 4 сентябрь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Урозбоев кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000700571452062 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

II. Тошкент вилояти Бўстонлик тумани суд ижрочилари бўлими томонидан Тошкент вилояти хўжалик судининг 2004 йил 2 сентябрдаги 11-0409/1191-сонли ижро варақаси ва 2007 йил 7 майдаги 11-0722/883-сонли қарорига асосан хатланган, Тошкент вилояти Бўстонлик тумани, «Ғазалкент» ҚФЙ манзилида жойлашган, умумий майdonи 3,0 гектар, 31 та номдаги асбоб-ускуналардан иборат «Ғазалкент ТИБК»га тегишли бўлган мол-мулклар ва бино иншоотлар.
Бошланғич баҳоси — 1 354 400 000 сўм.

Ушбу кўчмас мулк объекти билан туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдолари 2007 йилнинг 7, 14, 21, 28 август ва 4 сентябрь кунлари соат 11.00 да ушбу кўчмас мулк объекти сотилгунга қадар мунтазам равишда ўтказилади.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Урозбоев кўчаси, 1-«А» уйда жойлашган РКМБ биносининг савдолар залида ўтказилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги МФО 00425, ИНН 200933850, 20210000500571452057 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М.Урозбоев кўчаси, 1-«А» уй, Республика кўчмас мулк биржаси.
Телефон: 228-79-52.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz
Лицензия: DB 001 № 000004.

ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ КЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ СОЛИҚ КОЛЛЕЖИ

2007-2008 ўқув йилига ўқувчилар қабулини эълон қилади.

Тошкент солиқ коллежи ўрта махсус, касб-хунар ўқув муассасаси бўлиб, Давлат солиқ хизмати органлари учун кадрлар тайёрлайди. Коллежга 9-синфни тугатган ўқувчилар қабул қилинади.

Таълим йўналиши: Солиқлар ва солиққа тортиш.
Касблар:
1. Солиқ ва солиққа тортиш бўйича мутахассис (таълим — ўзбек ва рус тилларида).
2. Солиқ ҳужжатларини электрон қайта ишлаш мутахассиси (таълим — ўзбек ва рус тилларида).
3. Бухгалтер (таълим — ўзбек тилида).

Коллежда ўқиш муддати — 3 йил ва 1 йил солиқ хизмати органларида амалий ишда синов. Коллежда ўқиш жараёни кундузги шаклда бўлиб, дарслар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Коллеж ўқувчиларни заруриятига кўра ётоқхона билан таъминлайди. Коллеж битирувчиларига давлат андозасидаги диплом берилади.

Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан бўлган 9-синф битирувчиларининг ўқишга кириш тўғрисидаги ариза ва ҳужжатлари 2007 йил 20 июлга қадар бевосита солиқ коллежиде қабул қилинади. Қабул Тошкент шаҳри, Коракалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бўйича алоҳида квоталар асосида амалга оширилади.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади:
• коллеж директори номига ёзилган ариза (аризада таълим оладиган тили кўрсатилиши лозим: ўзбек ёки рус тили);
• 9-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (асл нусхаси);
• 086-У шаклидаги саломатлиги тўғрисидаги тиббий маълумотнома;
• 6 донга 3х4 см. ўлчамдаги рангли фотосурат (бош кийимсиз);
• доимий яшаш жойидан берилган маълумотнома;
• 9-синфни жорий йилда битирмаганлар учун 10-11 синфларда таҳсил олганлиги тўғрисида ўзлари ўқиган мактабдан ва маҳалла кўмитасидан маълумотнома.


Абитуриентлар томонидан паспорт (туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома) шахсан кўрсатилади. Абитуриентлар билан махсус синов белгиланган тартибда ўтказилади.

Коллежга қабул қилиш тўғрисидаги барча маълумотларни абитуриентлар ўзлари яшаш жойларидаги давлат солиқ инспекциясининг ходимлар бўлими ва Тошкент солиқ коллежидан қуйидаги телефонлар орқали билишлари мумкин: 275-75-53, 275-64-47, 275-54-82.

Манзил: Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, «Кичик ҳалка йўли» кўчаси, 3-уй.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - УЗА жамоаси Агентлигининг Ишлар бошқармаси бошлиғи Норқобил Чориевга акаси
Худойберди ЧОРИЕВнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади.
Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги марказий аппарати жамоаси вазирликнинг юридик бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Назарқосим Ортиқбоевни МУСУРМОНҚУЛОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия ва ҳамдардик изҳор этади.
«Устандарт» агентлиги жамоаси Андижон Стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи Илос Қосинова вафотидан соғиниб, вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия бидиради.

СПОРТ, СПОРТ, СПОРТ...



ПЕКИН АФИНАДАН ЯҚИН

Эсингизда бўлса, 2004 йил Афинада ўтказилган ёш Олимпиадада ўйинларида ҳамюртларимиздан Александр Доктуров ва Артур Таймазов олтин, Магомед Ибрагимов кумуш, Баҳодир Султонов ва Уткирбек Хайдаров эса бронза медалига сазовор бўлган. 2008 йил Пекинда бўлаётган Олимпиадада ҳамюртларимиз янада юксак натижаларга эришишни мақсад қилиб кўйишган. Ҳозиргача тўрт нафар вакилимиз Олимпиада йўлнамасини кўлга киритишган.

Ўзбекистон оғир атлетика федерацияси вице-президенти Борис Карпухидан шогирдларининг маъмури муҳофазатига таъйинланган ҳақида сўрадик.

— Албатта, Олимпиада йўлнамасини олиш барчага насиб этмаётгандай, — дейди суҳбатдошимиз. — Ўтган Олимпиадада яқунланганданок таъйинланган шогирдларимиз бошланғич кўрсаткичларини олишга қодир бўлишди. Терма жамоа таркибининг асосини Навоий кон-металлургия комбинати спорт жамоаси йигитлари ташкил этади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Афина Олимпиадасида вакилларимиздан Александр Уринов ва Игорь Халиловлар кўчли ўликдан жой олишган эди. Ҳозир терма жамоамизда авлодлар алмашинуви жараёни кечаяпти. Юқорида номлари кўйд этилган йигитларимиз катта спорт билан хайрлашишди.

— Демак, янги жамоа шакллантириляпти... — Ҳа, халқаро ва мамлакат миқёсидаги мусобақаларда яхши кўрсаткичга эга бўлган спортчилардан терма жамоага номзодларни таниб оляпти. Бугун Руслан Алпанов (62 кг.), Сўбон Қобулов (69 кг.), Сўхроб Рауфов (77 кг.), Шерзод Юсупов (85 кг.), Акобир Усмонов, Мансур Чашимов (94 кг.), Иван Ефремов, Олег Алборов (105 кг.), Олим Очилдиев, Андрей Мартинянков (+105 кг.) каби йигитларимиз яхши спорт формасига эга, деб айтила олам. Жорий йилнинг февраль ойидан бошлаб кўчатилирилган ҳолда ўқув-йиғин машғулотларини олиб бораётимиз. Дастлаб Зарафшон шаҳридаги "Қурувчи", кейин Чирчиқ Олимпиада захиралари коллежида машғулотларини давом эттирдик. Бу борада бизга Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда хомийимиз — Зарафшон қурилиш бошқармаси яқиндан ёрдам берапти.

Олимпиада йўлнамалари учун баҳс қандай борапти? — Жорий йилнинг сентябрь ойида Таиландда бўладиган навбатдаги жаҳон чемпионатида асосан, Олимпиада йўлнамалари учун баҳс юрилади. Йигитларимиз билан камда учта йўлнамани олишни мақсад қилиб кўйганимиз. Бунинг учун умумжамоа ҳисобида 21-24 ўриндан жой оли-

шимиз кўрақ. Эслатиб ўтамиз, жаҳон чемпионатида умумжамоа ҳисобида 1-6 ўрин соҳибдорларига олтига, 7-14 ўринни эгаллаганларга бешта, 15-21 ўринларга тўртта, 21-24 ўриндан жой олган юрт вакиллари эса учтадан Олимпиада йўлнамаси берилади. Албатта, йўлнамаларни кўпайтириш учун йигитларимиз яхши таъйинланган эга бўлиши лозим. Терма жамоамизга жалб этилган туркиялик мутахассис Жеффер Толчудан ҳам умидимиз катта. У ҳозир бош мураббий Валентин Манишев билан биргаликда ишляпти. Афина Олимпиадасида Ж. Толчунинг шогирдларидан Тагир Сағир ва Наим Мутлу олтин медални кўлга киритганидан хабардорсиз. Унинг таърибаси йигитларимизга асқотади, деган умиддамиз.

— Мусобақаларда спортчида нафақат жисмоний, балки руҳий таъйинланган ҳам катта роль ўйнайди... — Ҳозир спорт соҳаси шунақа ривожланиб кетдики, бу ҳар бир кишини толиқтириб қўйиши табиий. Спортчида кунга икки мартадан машғулотларда қатнашиши, у эришган кўрсаткичлар кундалик таҳлил қилиниши талаб этилади. Қолаверса, жаҳон спортда қайда этилаётган натижалар ва кўрсаткичлар кундалик таҳлил қилиб борилиши лозим. Бу борада Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтини мутахассислари бизга яқиндан кўмаклашяптилар. Улар ҳар бир спортчи билан алоҳида-алоҳида иш олиб боришяпти.

— Аёллар терма жамоамизда аҳоли қандай? — Оғир атлетика бўйича қизларимиз кўлга киритаётган муваффақиятлардан хабардорсиз. Елена Асланова (58 килограмм вазнда) ва Эльвира Рамилиева ўтган йили Осиё кубоги бахсларида совриндорлар сафидан жой олишганди. Олимпиада йўлнамалари ҳам қизларимизни олиб чиқишни мақсад қилиб кўйганимиз. Таиландда қизлар ўртасида ҳам жаҳон чемпионати ўтказилди. Умид қиламизки, қизлар терма жамоамиз Олимпиада йўлнамасини кўлга киритади.

— "Халқ сўзи" мухбири Зиндулла ЖОНИБЕКОВ суҳбатлашди.

Самарқанд футболли: ИМКОНИЯТ КАТТА,

Ўтган йилнинг май ойида Президентимизнинг "Ўзбекистонда футболни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган эди. Мазкур қарор ижросини таъминлаш борасида Самарқанд вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Бир неча йилдан буён вилоятнинг бош футбол жамоаси — "Самарқанд-Динамо" бир текис ўйин кўрсатаолмай мухлислар ҳафсаласини пир қилиб келарди. Шу боис ҳам янги мавсумда жамоа олдига қатъий вазифалар қўйилди. Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида маъсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Кўп сонли мухлисларнинг талаб ва истақлари ҳам ўрганилди.

— Биринчи навбатда жамоа таркиби маҳаллий ва ёш футболчилар билан тўлдирилди, — дейди жамоа бошлиғи Владимир Аркелов. — Турли сабабларга кўра, бошқа клубларга ўтиб кетган иқтидорли дарвозабон Олег Горвич, химочилар — Акмал Бозоров, Жасур Хамроев, Даврон Файзиёв, Шерзод Зайниёв, ҳужумчи Акмал Суворов яна "Самарқанд-Динамо"га қақчилди. Футболчилар дам олиш хоналари, ошхона, ётоқ жойларида шароитлар яхшиланди. Жамоага таърибчи мураббий Тачмурат Агамуратов бош мураббий сифатида таъин этилди. Бугун қилинган ишлар ўз самарасини кўрсата бошлади. "Самарқанд — Динамо" чемпионатдаги кучли рақиблар билан тенгма-тенг ўйин намойиш эти-

бугун Самарқанд вилоятидаги стадионлар сони 783 тага етди. Уларнинг 693 таси кишлоқ жойларда эканлиги аҳамиятлидир.

Яна бир гап. Ўтган йилдан бошлаб, мамлакат футбол чемпионатининг биринчи табақасида илк бор Каттакўрғон шаҳрининг "Каттакўрғон-Динамо" жамоаси иштирок эта бошлади. Жамоа таркибининг ёш иқтидорли футболчилар билан тўлдириб борасида ҳам ижобий ишлар олиб бориляпти. Бунинг учун жойлардаги футбол мактабларида, маҳаллаларда энг қобилиятли

ёшлар изланиб ўрганиляпти. Масалан, шу йилдан эътиборан Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали "Қамолот" ёшлар иқтимоий ҳаракати, "Махалла" жамғармаси билан ҳамкорликда беш босқинда 1993-1995 йилларда тузилган болалар

ўртасида футбол мусобақалари ўтказилиши йўлга қўйилди. Унинг дастлабки маҳаллаларининг ўзига, кейингиси маҳаллаларининг ўзини бошқин эса минтақавий кишлоқ фуқаролик йиғинлари ўртасида ташкил этилади. Шундан сўнг қўлиб турман биринчилигида иштирок этишади. Ва нихоят сўнгги босқинда вилоят миқёсида ўтказилади. Ана шу тариқа қобилиятли ёш футболчилар танлаб олинади. Ўтган йили вилоятда болалар ва ўсмирлар ўртасида ўндан ортик футбол мусобақалари ташкил этилди. "Футбол гуначлари", "Ёшлик" кубоги,


Акалик ҳурмати устун келди

Эркин кураш бўйича Россия чемпионида қизик ҳол рўй берди. 60 килограммгача бўлган ва Адам Батировлар финалга чиқибди. Уларнинг иккови ҳам таниқли спортчилар. Адам Европа биринчилиги совриндори, Мавлет эса Олимпиада чемпиони.

Финал ўйини бошлангичдан олдин Адам акасига қарши гиламга чиқмаслигини айтиди. Шунда акалар қўлимиздан қарор қабул қилдилар — ҳар икки курашчига ҳам олтин медаль берилди деган бўлди.

Тақдирини қарангки, Мавлет ва Адам Батировлар илгари ҳам икки бора шундай ҳолга тушибди. Илк марта улар 2003 йилда Иван Яригин турнирининг ярм финалида бир-бирига дуч келишганди. Ушанда Адам гиламга чиқмаган эди. 2004 йилги Россия чемпионати финалида ҳам шу ҳолат такрорланди. "Рақиб" курашмагани учун Мавлет мамлакат чемпиони деб эълон қилинди.

Бу сафар, нихоят, ҳақиқат қарор топди. Икки спортчи ҳам гилиб деб топилди. Шарҳловчиларнинг таъкидлашича, бундай ҳолат спортда жуда кам учрайди.



Бугун қитъамизнинг бир йўла тўрт мамлаки — Индонезия, Таиланд, Вьетнам ва Малайзияда футбол бўйича Осиё кубоги бошланади. 29 июлгача давом этадиган мусобақаларда қитъаннинг ўн олти жамоаси тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда баҳс юрилади.

Осиё кубоги: СИНОВ ПАЛЛАСИ


Ўзбекистон миллий терма жамоаси "С" гуруҳида Малайзия, Эрон ва Хитой футболчилари билан баҳс юрилади. Учрашувлар Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтади. Эслатиб ўтамиз, вакилларимиз қитъа чемпионатида тўртинчи бор иштирок этишяпти. Рауф Инилеев бошчилигидаги терма жамоамиз сўнгги таъйинланган ўқув-йиғин машғулотларини Жанубий Корея шаҳрида ўтказиб, иккита ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. Дастлаб Ироқ футболчиларини 2:0 ҳисобида енгишган йигитларимиз Жанубий Корея терма жамоасига 1:2 ҳисобида имкониятни бой беришди.

ЮЗ НАФАР ШОГИРДИ ЧЕМПИОН

Анджонлик Фурқатжон Носиров, ўн беш йиллиқ, ёшларга қаратэ спортини сирларини ўргатиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида минглаб шогирдлар тайёрлади. Аҳамиятисиз, уларнинг 100 нафардан ортиги Ўзбекистон чемпионати ва кубоги мусобақаларида, шунингдек, халқаро турнирларда гилиб ва совриндор бўлишган.

Фурқатжон қаратэ бўйича Анджон вилояти ёшлар терма жамоасининг бош мураббийси вазифасида ҳам фаолият кўрсатади. Ҳозирда у Пахтабод шаҳридаги 200 нафар болага қаратэ машғулотларини ўргатади. Жорий йилнинг март, апрель ойларида ўтказилган республика чемпионатида шогирдларидан яна беш нафари чемпион бўлди. У Ўзбекистон шотажан қаратэ-до федерацияси томонидан 2006 йилнинг "Энг яхши мураббийси" деб топилди.

Тоҳиржон ХАМОҚУЛОВ олган сурат.



Ўзбек қизларининг галабаси

Ҳиндистоннинг Пуне музофотида энгил атлетика бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда ҳамюртларимиздан Надежда Дўсанова баландиликка сакраш мусобақаларида 1 метру 91 сантиметр, Гўзал Хўббиева 100 метрда югуриш бахсларида 11.43 сония натижасига эришиб, кумуш медаллари билан тақдирланди. Ядро улоқтириш бўйича Лилия Дўсметова бронза медали билан тақдирланди.

Биринчиликка даъвогарлар кўп

Бугун Тошкентда 16-18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида шахмат бўйича ўтаётган навбатдаги Осиё чемпионати гилиб ва совриндорлари номи маълум бўлади.

Кунги кеча бўлиб ўтган бешинчи тур учрашувидан сўнг 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида ҳамюртимиш Андрей Квон,

Канна Навин (Ҳиндистон), Ринат Жумабоев (Қозғистон) ва Соҳиб Жураев (Тожикистон)лар 4 тадан очко жамғариб, чемпионликка даъвогарлик қилишмоқда.

Кураги ерга тегмас полвонлар

Туркиянинг Истамбул шаҳрида миллий спортимиз — кураш бўйича аънанавий В Босфор халқаро турнири якулланди. Халқаро турнирда Озарбойжон, Украина, Арманистон, Туркия, Россия, Грузия, Корея, АКШ, Сербия, Исроил, Гвинея, Ўзбекистон каби дунёнинг 20 га яқин мамлакатидан келган полвонлар 8 вазн тоифасида гиламга чиқдилар. Якунда умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон полвонлари биринчи, Туркия вакиллари иккинчи, Украина курашчилари эса учинчи ўринни кўлга киритишди. Турнир доирасида полвонлар учун кураш сирларини ўргатиш бўйича бир ҳафталик ўқув семинари ташкил этилди.

РАФАЭЛЬ ТУТГАН РАКЕТКА ЧИНАКАМ МЎЎЖИЗА НАМОЁН ЭТДИ

Ўшанда ёшгина йигитнинг маҳорати сабаб Роже Федерер, Лейтон Хьюит, Марат Сафин, Энди Роддик каби дунёнинг энг кучли, номдор теннисчилари ҳам мўлдирдан олдин ўз ракеткаларини гилофига жойлашга мажбур бўлишганди. Тақдирнинг июятини қарангки, Рафаэль Надаль кетма-кет уч йил айнан ана шу чемпионатнинг бош совринини кўлга киритиб, ўзига ҳос шов-шуга сабаби бўлди. Қузян, у бу йилги Франция оқиб чемпионати финалида дунёнинг биринчи рақамли теннисчиси швейцариялик Роже Федерерга рўбарў келди.

Ушбу финал ўйини 3 соату 10 дақиқага чўзилди. Қутилганидан ҳам шиддатли ва мафтункор ўйин бўлди. Хар икки теннисчи ҳам дастлабки геймларданок басма-басига курашди. Бир-бирига хотиржамлик беришмади. У ўз номи билан финал баҳси, кучлилар ўйини бўлди. Фақат хал қилувчи лаҳзалардагина гўзал ва беҳисоб ўйин кўрсатган Надаль жаҳоннинг биринчи рақамли ракетка соҳибини мағлуб этишга эришди. Ҳа, эндигина 21 ёшга қаршилаётган бу спортчининг халқаро теннис турнирларида кўлга киритаётган галабалири, очиги, мўъжизага қиёс. Аюир, ёш бўлишига қарамадан қисқа фурсатларда теннис таснифиди иккинчи ўринга кўтарилишининг ўзи бўлмайди. Хали дунё теннис тарихида ёш жаҳатдан ҳеч қандай юлдуз Рафаэлчаллик муваффақиятга эришмаган. У ўз ўйинлари билан топаетган маблагга (9.498.534 минг доллар) ҳам шунга яраша бўлмоқда. Нима бўлганда ҳам, у ўзининг бетакдор ўйинлари билан теннисни жозибдор, мафтункор ва гўзал спорт тури эканлигини наъойиш қилмоқда.

Бундан уч йил муқаддам Франция оқиб чемпионати финалида гилиб чиққан испаниялик 19 ёшли Рафаэль Надальни ўз юртдошлари даста-даста гуллар билан қўлашгани хали-хали ёдимизда.

Жаҳон спорти юлдузлари

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Халқ сўзи Народное слово

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртга Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25

Манзилимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орплов. Навбатчи муҳаррир — М. Жоңихонов. Навбатчи — М. Охуюова. Муасхих — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50. Тошпирлиди — 23.00 2 3 4 5 6